

Ю. Гайбуллаева

Тошкент шаҳрида Вебстер университети

**Анотация:** *Ўрта Осиё минтақасида анъанавий кийимларда қадимдан маҳаллий ўзига хослик ва миллийлик устун бўлиши билан бирга улар яхлит умумий асосга ҳам эга бўлган. Хотин-қизлар кийимидаги умумийлик уларнинг кенг, узун ва тўғри бичими билан баҳонади<sup>22</sup>. Аёллар миллий кийимларига кўйлак, лозим, халат, желак, чопон, камзул ва енгсиз нимча кирган.*

**Калит сузлар:** *Ўзбек, маданият, совет, халқ, миллий, либос, кадрият*

Ўзбекистонда аёллар кўйлакларининг номлари тикилган матодан келиб чиқиб ҳам аталган. Масалан, “шойи кўйлак” ёки “алвон кўйлак” каби кийим номлари шу тарзда юзага келган. Бундан ташқари, баъзи кўйлаklar ундаги алоҳида белгиларга қараб номланган. Масалан, шулар жумласига “гулли кўйлак” ва “каштали кўйлак” кирган.

Бутун XX аср давомида ўзбек аёллар кийимлари эркаклар кийимига қараганда кўпроқ ўз хусусиятларини сақлаб қолган. Мазкур даврда кўйлак аёллар кийимнинг асосий элементи ҳисобланган ҳамда бунда туника фасондаги кўйлаklar аёллар ўртасида машҳур бўлган. Аёллар кийимлари узун ва кенг шаклда бўлган бўлиб, ушбу кийим оёқ ва қўлни тўлиқ қоплаши лозим бўлган. Бунда кўйлаklar ёқасидаги шакли билан бир-биридан фарқ қилган. Хусусан, аёллар кийимлари ёқалари одатда горизантал ёки вертикал шаклда бўлган. Аёллар кийимлари одатда қоматни ёпиш учун кенг бўлган. Умуман олганда, аёллар кўйлаклари силуэт ва ёқа шакли билан бир-биридан фарқ қилган ҳамда баъзида кийим номларини ўша жиҳатлари аниқлаб берган<sup>23</sup>. XX асрда аёллар миллий кийимларида ўзгаришлар юз бера бошлади. Ушбу ўзгаришнинг асосий йўналиши кийим андозаларнинг европалашаши бўлган<sup>24</sup>. XX аср бошларида ўзбек аёллар миллий кийимлари байрамлар ва кундалик ҳаётда кийиш учун яратилган.

1950-1990 йилларда Ўзбекистонда қандай турдаги миллий кийимлар сақланиб қолинган, улар қай даражада фойдаланишда бўлган ҳамда уларнинг

<sup>22</sup> Ибрагимова М. Сурхондарё воҳаси аҳолисининг анъанавий кийимлари ва тақинчоқлари (XIX аср охири –XX аср бошлари). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент. 2004. Б. 36.

<sup>23</sup> Шаниязов К., Исмаилов Х. Этнографические очерки материальной культуры узбеков конец XIX –начало XX в. Ташкент: Фан, 1981, с. 80-81.

<sup>24</sup> Зунунова Г. К истории узбекской национальной одежды (развитие и трансформация женской одежды в Ташкенте в XX века). // Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. Тошкент. 1999. Б. 95.

кўриниши қандай бўлган деган саволларга жавоб топиш орқали совет даврида аёллар миллий кийимларининг тақдирини аниқлаб олишимиз мумкин. Совет ва мустақиллик даврида бир қанча олимлар мазкур масалага мурожаат қилган. Бироқ, уларнинг асосий илмий қизиқиши мазкур миллий кийимлар қандай кўринишга эга бўлганлигини аниқлаш ҳисобланган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Тарихи давлат музейида совет даврида тикилган бир аёллар кийимлари сақланиб келинмоқда. Мазкур аёллар миллий кийимлари совет даврида аҳоли кўлидан сотиб олинган ёки айримлари аҳолининг ўзлари томонидан музейга топширилган экспонатлар ҳисобланади. Ушбу материалларни ўрганиш орқали совет даврида қандай миллий кийимлар мавжуд бўлган ҳамда улар хотин-қизлар томонидан қай даражада фойдаланилган деган саволга жавоб олиш мумкин.

Хусусан, 1959 йили ушбу музейи бухороча услубда тикилган қизлар кўйлагини сотиб олган<sup>25</sup>. Мазкур аёллар кўйлаги фабрикада тўқилган оқиш-пушти рангли ва безакли репс матосидан машинада тикилган. Ушбу матонинг йирик-йирик гуллари мавжуд бўлган. Кўйлакнинг бичими кўкрак бурмали ва қайтарма ёқали бўлган. Унинг энглари тўғри, узун ва билак қисми торроқ бўлган. Кўйлакнинг ён қисмлари, этаги, кўкраги, ёқаси ҳамда енг учлари зардўзи усулида безатилган. Бухоро ҳудудидан сотиб олинган яна бир аёллар кийими зардўзи матодан тикилган бухороча калтача бўлган бўлиб, у ниҳоятда ҳашаматли бўлган<sup>26</sup>. Чунки унга кумуш билан ислимий нақш туширилган ҳамда безаклар гулли новдалар, баргаклар ва йирик гуллардан иборат бўлган.

Ўзбекистон Тарихи давлат музейи совет даврида урфда қолаётган аёллар миллий кийимларини ҳам ўзида жамлаган. Масалан, 1968 йилда музейга Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги Қорахитой қишлоғидан маҳаллий матодан тикилган елакча олиб келинган<sup>27</sup>. Мазкур кийим шу қишлоқда яшаган Зулфи опа томонидан қизига атаб тикилган ва кейинчалик невараси Ш.Нуралиевага ўтган. 1960-йилларда елакча кийиш анча урфдан қолиб кетган, бироқ тўй вақтида ушбу кийим тури кийилишда давом этган. Бошқача айтганда, елакча маросим кўйлаги сифатида сақланиб қолинган.

Мавжуд маълумотлар Иккинчи жаҳон урушидан сўнг аёллар деярли паранжи киймаганлигини кўрсатади. Бошқа томондан, айрим манбалар ушбу кийим тури мазкур даврда фойдаланишда бўлмасада, аёллар гардеробида мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Хусусан, Ўзбекистон Тарихи давлат музейи 1959 йилда пскентлик Р.Раимқуловдан паранжи сотиб олган. Ушбу паранжи

<sup>25</sup>ЎЗР ФА ЎТДМ Эф. Инв. № 4076. Колл. 22 – 244.

<sup>26</sup>ЎЗР ФА ЎТДМ Эф. Инв. № 1444/35. Колл. 22 – 39.

<sup>27</sup>ЎЗР ФА ЎТДМ Эф. Инв. № Э 4107/26. Колл. 98 – 26.

бугунги кунда музейнинг этнографик фондида сақланмоқда<sup>28</sup>. Унинг айтишича, бу паранжини онаси унинг тўйига атаб тикиб, сепига қўшган экан. Сариқ бахмалдан тайёрланган бу либоснинг четларига ҳандасавий безакли ўрилма қора жияк қопланган ҳамда мудичан ва уш турча номли оқ-бинафша гулли ҳошия билан безатилган. Шунингдек, қия ва ингичка япроқлар ҳамда улар оралиғида қора ипақда тикилган бодом шакллари бўлган икки қатор энсиз йўллар билан ҳам зийнатланган. Бу шундан далолат берадики, совет даврида паранжи энг камида миллий кийимнинг бир тури сифатида аёллар гардеробида турган.

Бу фикрни ушбу музейда сақланаётган яна бир экспонат тасдиқлайди. Музей 1966 йилда тошкентлик Назархонова деган аёлдан паранжи сотиб олган<sup>29</sup>. У 1920-йилларда нимшойи банорасдан тикилган. Астари турли рангдаги шойидан иборат бўлган бўлиб, ўртаси фабрикада тўқилган катакли канауси матосидан ва четлари маҳаллий нимшойи дуруя матосидан тикилган. Бичими тўғри ва тўкилиб турадиган бўлиб, асосий қисми узунлиги 150 см ли яхлит мато бўлагидан иборат бўлган.

Совет даврида миллий кийимлар турли андозаларда яратила бошланди. Бу эса янги “миллий кийим” пайдо бўлишига олиб келган. Айниқса 1990 йилларда бу ҳолат анча кучайган<sup>30</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, совет даврида ўзбек миллий кийимлари сақланиб қолган ва улар аёллар томонидан доимий тарзда кийиб юрилган. Совет даврида кийилган хотин-қизлар миллий кийим-кечаклари намуналари бугунгача етиб келган бўлиб, улар совет даврида миллий кийимлар қай даражада трансформацияга учраган деган саволга жавоб беради. Бошқа томондан, ушбу аёллар миллий кийимда айрим ўзгаришлар вужудга келди. Бу биринчи навбатда кийимларни тикишда фойдаланилган матолар билан юз берди. Чунки мазкур даврда фабрикада ишлаб чиқарилган матолар ҳунармандчилик асосида тўқилган матолар ўрнини эгаллай бошлаган. Бундан ташқари, миллий кийимлар андозаларига кичик-кичик ўзгартиришлар киритилган бўлиб, улар миллий кийим кўринишини қисман бўлсада ўзгартирган.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- 1) Содиёва Н. // Ўзбек аёлларининг миллий кийимлари. 2007, Б. 98

<sup>28</sup>ЎЗР ФА ЎТДМ Эф. Инв. № Э 4082. Колл. 89 – 15.

<sup>29</sup>ЎЗР ФА ЎТДМ Эф. Инв. № 4586. Колл. 74 – 54.

<sup>30</sup> Зунунова Г. К истории узбекской национальной одежды (развитие ва трансформация женской одежды в Ташкенте в XX века). // Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. Тошкент. 1999. Б. 104.

- 2) Зуфарова З. Чевар. // Ўзбекистон хотин-қизлари. 1957, № 1. Б. 10
- 3) Кийина билиш ҳам санъат. // Ўзбекистон хотин-қизлари. 1966, № 1. Б. 26.
- 4) Комилова М. Ярашганини кияйлик. // Ўзбекистон хотин-қизлари. 1954, № 9. Б. 23.
- 5) Ашрафий М. Ўрта Осиёда ўрта асрлардаги либослар: тараққиёт босқичлари (VII – XVII асрлар) // San'at. 2001. № 3. – 18-бет;